

Тазкия дарслари (119-дарс). Кимнинг мазаҳи кўпайса, ҳайбати йўқолади



ТАЗКИЯ дарслари 119-дарс

Тазкия дарслари Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг
“Тасаввуф ҳақида тасаввур” ва “Рӯҳӣ тарбия-1-2-3” китоблари асосида бериб борилади.
Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



ISLOM.UZ

13:00 / 16.01.2021 4730

Олтинчи оғат - масхара ва истеҳзо.

«Масхара» сўзи луғатда «бировни ҳақир – паст санаш» ва «хор билиш» маъноларини англатади.

Уламолар масхарани қуидагича таърифлайдилар:

Муновий: «Масхара маънавий жиҳатдан ақлни паст санаш ва ҳиссий жиҳатдан ишни хор санашдир», деган.

Ибн Камол: «Масхара – масхара қилинганнинг наздида арзийдиган ва масхара қилувчининг наздида арзимайдиган нарсадир», деган.

Масхара қилиш – пастга уриш, хорлаш йўли или бировнинг айбини кулгиға олишдир. Гоҳида гап ва амалга тақлид қилиш билан, имо-ишора ёки лақаб қўйиш билан ҳам масхара бўлиши мумкин. Масхара ва истеҳзо қилиш динсиз, мунофиқ ва кофирларга хос сифатдир.

Аллоҳ таоло Анбиё сурасида марҳамат қиласи:

اُنَّاَكَ إِمْْمَنْمُ اُرْحَسَنِيْذَلِإِبَقَأَحَفَكَلْبَقَ نَمِلُسُرَبَئِزْهُتْسَادَقَلَوَ
نَوْزَهَتْسَيِّوبَ

«Батаҳқиқ, сендан олдинги расуллар ҳам истеҳзо қилингандар. Бас, уларни масхара қилғандарни ўзлари истеҳзо қилиб юрган нарса ўраб олди» (41-оят).

Пайғамбарларни истеҳзо қилған коғирларга азоб тушди. Улар бу дунёning ўзидаёқ азобга дучор бўлдилар. Сени масхара қилаётганлар ҳам, вақт ғаниматлигига эсларини йиғиб, тавба қилмасалар, аввал бу дунёда, кейин у дунёда азобга учрайдилар. Чунки уларни Аллоҳ таолонинг азобидан сақлайдиган ҳеч бир куч йўқ.

Аллоҳ таоло Тавба сурасида марҳамат қиласди:

اَلَّا نَيْذِلْ اَوْتَ اَقَدْصِلْ اِنْ فَنَيْنْ مُؤْمِلْ اَنْ وُرْمَطْ اَنْ يَذِلْ
مُيَلْ اَبَادَعْ مُهَلْ وَمُهَنْ مُهَدْجَ اَلِّا نُودْجِي

«Мўминлардан кўнгилли бўлиб садақа қилувчиларни ва ўз кучлари етгандан бошқани топа олмайдигандарни айблайдигандарни Аллоҳ масхара қиласди ва уларга аламли азоб бўлажак» (79-оят).

Қуръони Каримда мўмин-мусулмонлар бировни масхара ва истеҳзо қилишдан қайтаришган.

Аллоҳ таоло Ҳужурот сурасида марҳамат қиласди:

مُهَنْمَ اَرْيَخْ اُونُوكَيْ نَأَى سَعَمْ وَقَنْمَ رَحْسَيْ اَلِّا اُونَمَ اَنْيَذِلْ اَهْيَا اَيْ
نُهْنَمَ اَرْيَخْ نُكَيْ نَأَى سَعَءَ اَسَنْ نَمَ اَلَّا

«Эй иймон келтиргандар! Бир қавм бошқасини масхара қилмасин, эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва аёллар ҳам бошка аёлларни (масхара қилмасинлар), эҳтимол, улар булардан яхшироқдир» (11-оят).

Албатта, ўзгаларни масхара қилиш ёмон одат бўлиб, жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бузилишига сабаб бўлади.

Бир одам иккинчисини масхара қилса, камситса, устидан кулса, албатта, масхара қилинган одамнинг аччиғи чиқади, у ҳам масхара қилувчига ўзига яраша жавоб беришга уринади. Орада низо-жанжал чиқади, ижтимоий алоқалар бузилади ва жамият заифлашади. Ислом эса доимо мусулмонлар жамиятининг мустаҳкам бўлиши учун қайғуради.

نَإِ : مَلَسَوْهْيَلَعْهُلَلِاِلَصِهَلَلِاِلُوسَرَلِاِلِاَقِهَلَلِاِلَقِنَسَحْلِاِلَنَعْ

كَلَذْكُلَازَيِّ أَمَفُهَنُوْدَقْلُخْأَءاَجَأَذِإَفَءَمَعَوْبَرَكَبُءِيَحَيَفَءُمُلَهُءِمُهَلَآمَفُءُمُلَهُءِهَلُلَاقُيَفَءَنَجَلَلَبَأَوْبَأَنَمُبَابَلَأَهَلُحَتْفَيَلَمُهَدَحَأَنِإَيَتَحَيَقَهَيَبَلَأَهَاَوَرَءَسَأَيِإَلَآنَمَهَيَتَأَيِّ:

Ҳасандан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одамларни масхара қилувчиларнинг бири учун жаннатдан бир эшик очилади. Бас, унга: «Бу ёқقا кел», дейилади. У ғам-ғуссаси ила келганида эшик ёпилади. Бу ҳол улардан бирига жаннатдан эшик очилиб, «Бу ёқقا кел», дейилганда ноумидликдан келмайдиган бўлгунича давом этади», дедилар».

Байхাকий ривоят қилган.

Масхаранинг заарлари:

1. Масхара Аллоҳ таолонинг амрига очиқ хилофдир.
 2. Масхара Аллоҳ таолонинг азобига сабаб бўлади.
 3. Масхара инсон ҳуқуқини очиқ-оидин бузишдир.
 4. Масхара қалбни ўлдиради ва ғафлатга сабаб бўлади.
 5. Масхара кофир ва мунофиқларнинг сиймосидир.
 6. Масхара шариат ҳаром қилган ишдир.
 7. Масхара Аллоҳ таолонинг зикрини эсдан чиқаради.

«Рұхий тарбия» китобидан